Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 ноябрь, сешанба. №145. (21.908) Сотувда эркин нархда.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Биз улуғ воқеа арафасида турибмиз. Яна бир неча кундан кейин серқуёш диёримизда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистоннинг илк Конституцияси қабул қилиниши, шак-шубҳасиз унинг тарихида алоҳида ўрин тутади. Зеро, бу Конституция биз қураётган янги демократик жамият, халқимиз турмушининг, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ифодаси, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишининг, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашдек улуғ бир эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамиз меҳнат аҳли Президентимиз, ҳукуматимиз бошчилигида ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиб, бош қомусимиз асосида тўғри йўлдан дадил бормоқда.


Ҳозир бутун мамлакатимизда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг уч йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ушбу қутлуғ санага бағишланган илмий-назарий конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конституциянинг уч йиллигига бағишланиб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — тинчлик, барқарорлик асоси» мавзуида илмий-назарий давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, мазкур академия тингловчилари қатнашди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Академия ректори, профессор А. Азизхўжаев кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти, унинг хусусиятлари, Конституция — инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, Конституцияда давлат ҳокимияти масалалари муҳокама қилинди. Академиянинг кафедра мудири, юридик фанлари доктори О. Ҳусанов, юридик фанлари доктори Х. Одилқориев, республика Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Б. Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, Олий суд раиси У. Мингбоев ва бошқалар Ўзбекистон Конституциясининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида гапирдилар. У жаҳон майдонида янги суверен Ўзбекистон давлати дунёга келганидан хабар бергани, бу Конституцияда давлатимиз мустақиллиги ғояси мужассам бўлиб, у Ўзбекистон давлати мустақиллигининг буюк тимсоли, халқимиз сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули эканини таъкидладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.



«ЎзДЭУавто» корхонаси: биринчи мутахассислар.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

МУДИР НЕГА МУЛЗАМ БЎЛДИ?

Ёшларни етук кишилар қилиб тарбиялашда мактаб саждагоҳ каби муқаддас даргоҳ саналади. Хўш, бугунги кунда ана шу билим ўчоқларида қишга тайёргарлик қандай? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Бухоро вилоятининг қатор мактабларида бўлдик.

Шофиркон тумани халқ таълими ходимларининг вилоятда тутган ўрни анча салмоқли. Сабаби таълим-тарбия ишларини яхшилашга бу ерда муҳим аҳамият бериб келинмоқда. Бу эса ўз самарасини беряпти. Сир эмас, Шофирконда юзлаб олим-у фузалолар, ёзувчи-шоирлар етишиб чиққан, улар вилоят, қолаверса мамлакатимиз фахри.

— Бугунги кунда 53 та мактабда меҳнаткашларнинг минглаб фарзандлари таълим-тарбия олишмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳалим Вафиев.

Мактабларимизнинг моддий аҳволи ёмон эмас. Уларни янги ўқув йилига, иситиш мавсумига тайёрлашда оталиқ ташкилотлари камарбасталик қиляптилар. Шу боис қишки иситиш мавсумидан кунглимиз тўқ.

Ҳа, тумандаги кўпчилик мактаблар замонавий усулда қурилгани, иситиш қозонхоналар орқали амалга оширилаётгани ташвишларга нуқта қўйган. Биз Беруний номли , Завқий номли, Фирдавсий номли мактабларда бўлганимизда мудирнинг хотиржам гапирганида асос борлигига ишондик. Бундан ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам хурсанд.

Вобкент туманида мактаб қуриш, мавжудларининг моддий шароитини яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти. Бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликларига қарамай, жорий йилда битта янги, замонавий мактаб қурилиб, улар сони 38 тага етказилди. Халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Бердиевнинг таъкидлашича, тумандаги 11 та мактаб тўлиқ газлаштирилган, 3 та мактаб суюқ ёнилғи, қолганлари кумир билан иситилади. Бунинг учун ҳамма имконият мавжуд. Мактабларга 3525 тонна кўмир, куплаб ҳажмда дераза ойналари етказиб берилган. Алишер Навоий номли, Пушкин номли, Гагарин номли ва бошқа қатор мактабларда бўлганимизда ҳам дилимиз қувонди.

Қоракул тумани халқ таълими бўлими мудири Ҳакимжон Файзиев ҳамма ишлар беш дегандек диққатимизни қуйидагиларга қаратди: «41 та мактабда 24640 бола ўқийди. 16 та мактаб газлаштирилган. 11 та мактаб печлар ёрдамида иситилади, кўмир, ўтин заҳираси етарли, муаммо йўқ».

Бироқ тумандаги «Тошкент» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган 6-мактабда бўлганимизда мудир мулзам бўлди. Чунки, 815 ўқувчи ўқийдиган бу мактабнинг аҳволи жуда оғир. Синфхоналардаги ўрнатилган голланд печлари илма-тешик бўлиб кетган. Дераза ойналари синган. Шу боис улар қушлар ўшёнига айланган. Янгидан қурилган синфхоналарнинг на шифти, на ости ёпилган. Худди ташландиқ бинони эслатади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари ўқийдиган хоналарда аёзли кунларда мурғак қалблар қандай бардош беришади?

Кўнғироқ

Ўқитувчиларнинг айтишича, жамоа хўжалиги оталиқ қилолмаяпти. Сабаби—хўжалик режани бажара олмай сарсон. Иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолган. Шу боис раис мактаб ёнидан ўтганда юзини тескари бурармиш.

— Бир амаллаб қишдан чиқамиз, — дейди хижолат бўлиб директор Қурбон Аҳмедов. — 36 тонна кўмир бор...

Икки сменада ўқитиладиган мактабда печлар яроқсизлигини, хоналарнинг катталигини кўрмаган кишигина бу гапга ишонади.

Бундай аҳволни «Саёт» жамоа хўжалигида жойлашган 5-, «Пайкент» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 2-, «Дурмон» жамоа хўжалигидаги 3-мактабларда ҳам кўриш мумкин. 3-мактабнинг деразалари синган, 2 та синфхонасининг томидан чакка ўтяпти. Чунки тунукаси чириган. Хуллас, ёз ўтиб, қиш келибдики, мактаблар иситиш мавсумига ҳозирланмаган.

Шу уринда яна бир фикр. Ўқитувчи қишлоқда зиё, маданият тарқатувчи сифатида тан олинган. Аммо, айрим ўқитувчиларнинг юриш-туриш «маданияти» кўнгилни ранжитади: соқоли олинмаган, кийимлари дазмолланмаган. Хўш ўқувчилар улардан қандай ибрат олишади? Халқ таълими бўлимидагилар ишнинг шу томонига ҳам эътибор беришса ёмон бўлмасди.

, Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу дунёнинг ишлари

САЙЛОВДАН НОРОЗИЛАР ШИКОЯТ ЁЗИШЯПТИ

Яқинда ўтказилган президентликка сайлов натижаларидан норози бўлган Лех Валенса тарафдорлари Польша Олий судига мурожаат қилиб, ушбу сайловни ноқонуний, деб ҳисоблашни талаб қилмоқдалар. Сайловдан кейинги 3 кун ичида улар қарийб 600 минг расмий шикоят аризасини йиғишди. Ҳатто Валенса тарафдорлари мамлакат бўйича тезлик билан судга ариза ёзиш учун керак бўладиган типография бланкаларини тарқатиб чиқишди, тегишли йўриқномалар эса католиклар радиостанцияси орқали вакилларга етказиб турилди.

Бироқ Олий суднинг 16 аъзоси 600 минг аризани 20 кун муддат ичида кўриб чиқишга улгуриши қийин. Афтидан, улар аризаларни «қутиси» билан кўриб чиқишга ҳаракат қилишади. Нима бўлганда ҳам 9 декабрь куни аризачиларга аниқ жавоб берилиши керак. «Немис тўлқини» радиостанциясининг хабарига кўра, сайловда ютқизган Лех Валенса узининг ўрнини эгаллаётган А. Квасьневский билан ҳозирча учрашгани йўқ ва ҳатто унга президентлик ҳокимияти рамзини билдирувчи белгиларни беришни ҳам истамаяпти.

КИМ КЎП АРОҚ ИЧАДИ?

Бу саволга «Труд» газетаси қиёсий жавоб беради: Россия фуқаролари ароқ ичиш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олишибди. Қаранг, бу ерда 1994 йилда аҳоли жон бошига спиртли ичимлик истеъмол қилиш қарийб 14 литрга тўғри келаётган экан. Бу «соҳа»да россияликлар энг ичағонлар — Франция ва америкаликларни ҳам ортда қолдиришибди.

1913 йилда Россияда одам бошига 3,4 литрдан ароқ сотилган бўлса, 50-йилларда бу кўрсаткич собиқ СССРда 1,9 литрга тушган, бироқ 60-йиллар бошига келиб ароқ ва вино ишлаб чиқариш икки бараварга кўпайгандан кейин, уни истеъмол қилиш ўз-ўзидан ортиб кетган. Ҳатто 1985 йилдаги алкоголизмга қарши ҳаракат ичувчилар иштаҳасини бироз пасайтирган бўлса-да, керакли натижа бермаган.

Бугунги иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар силсиласида спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш миқдори ортиб боряётгани рост, бироқ унинг сифати кундан-кунга ёмонлашмоқда. Россия давлат савдо инспекциясининг маълумотларига кўра, ўтган йили вино-ароқ маҳсулотларининг тенг ярми норматив талабларига жавоб бермаган. Қисқаси, ясама ароқ кўпайиб кетган. Лекин бу нарса Россиядаги ичувчиларни безовта қилмаяпти чоғи улар ҳамон «қани, олдикми» деб туришибди.

18 ЁШЛИ МИЛЛИОНЕР

Германия журналистларининг яхши бир анъанаси бор: ҳар йили куз фаслида улар узига хос тантанали йиғин ўтказишади. Унга давлат бошлиғидан тортиб, матбуотчилар, лозим топган оддий фуқаро ҳам таклиф қилиниши мумкин. Бу галги йиғинда кўпчилик эътиборини икки киши — ГФР Президенти Роман Херцог ва 18 ёшли Ларс Виндхорстлар узларига жалб қилишди. Федерал Президентнинг доимо журналистлар эътиборида бўлиши турган гап. Лекин кечагина мактабда гимназист бўлган ёш вестфалиялик йигит-чи? У ҳақда шуни айтиш мумкин: Ларс Виндхорст 16 ёшида бизнес билан шуғулланиб, кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Электрон буюмлар эҳтиёт қисмлари билан савдо қилиш бўйича ўз фирмасини очган бу йигитча бир йил ичида 80 миллион марка фойда топди. Яна бир йил ўтгач эса даромадини икки баробарга кўпайтиришга муваффақ бўлди. Ҳозир у 18 ёшда. Узига тегишли 13 та фирмани бошқариб турибди. Тўғри, дастлабки пайтларда молиявий қоғозларга унинг отаси имзо чекиб турди. Чунки, бу ердаги қонунларга кўра балоғатга етмаган шахслар молиявий иш билан шуғулланиши тақиқланган.

Журналистлар йиғинига келган Виндхорст бугунги кунда отасининг ёрдамисиз ҳам узини эпламоқда. Хуллас, «Интилганга толе ёр» деган нақл Ларс Виндхорст сингари йигитчаларга нисбат бериб айтилган булса ажаб эмас.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Хабарингиз борми?

НАМАНГАНДА «ДЎСТЛИК» КОШОНАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА теннисни ривожлантиришга наманганликлар ҳам ҳисса қўшадиган бўлишди. «Навбаҳор» футбол ўйингоҳи ёнида ажойиб теннис кошонаси қад ростлади. Уч минг ўринли ушбу мажмуани барпо этишда бутун вилоят қатнашди, десак муболаға бўлмайди. Чунки кўплаб корхона ва ташкилотлар баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатдилар.

Теннисчилар ихтиёрида иккита ёзги ва учта қишки майдонча бўлади. Зарур ашёларни Германиянинг «Беккер» фирмаси етказиб берди. Мажмуада томошабинлар ва спортчилар, матбуот ходимлари учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхона, дам олиш хоналари, ошхона, чойхоналар бор.

— Теннис мажмуамизга «Дўстлик» номи берилди, — дейди унинг директори Х. Абдуҳалимов. — Чунки, спорт халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Келгуси йил баҳоридаёқ бизда дастлабки халқаро мусобақалар ўтказилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА БЎЛГИМ БОР, ЛЕКИН...

Қарийб 30 йилдан ортиқ давр ичида республика ва қуйи матбуот газеталарига обуна бўлиб келаман. Тўғри, кимдир радиодан, кимдир телевизордан эшитгиси ёки кўргиси келади. Лекин юз марта кўриб эшитгандан, уз қўлингиз билан ушлаб, кўзингиз билан кўриб ўқиганга нима етсин! Асака шаҳар алоқа бўлими ходимлари яхши ишлаяпти дея олмайман. Улар нима учун ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба куни чиқадиган газеталарни пайшанба куни, пайшанба, жума, шанба кунги газета ва телепрограммаларни кейинги ҳафтанинг душанба ёки сешанба куни тарқатишади? Матбуот тарқатувчи шу саволга: «Ака, гезетани тарқатиб юраверсак, бериладиган нафақахўрларнинг нафақа пулини бошқа матбуотчи олиб кетяпти. Шунинг учун нафақадан сунг газета тарқатамиз», деб жавоб қилди. Дарвоқе, хат қабул қилувчи қутилар ҳам ишламайди ёки умуман олиб ташланган. Тўғри, бозор қийинчиликлари, қолаверса ёқилғи тақчиллиги бор. Аммо Асаканинг ҳар бир кучасида матбуот сотувчилар ва уларга қарашли киоскалар мавжуд. Шулар орқали хат ва хабарларни қабул қилиб жўнатиш имконияти бор-ку. Барибир нима булганда ҳам аҳолига қулайлик яратиш, уларни хушмуомалалик билан қарши олиш керак. Бизда акси. Биров билан бировнинг, ким билан ниманинг иши бор, деган тушунчада юрган Асака алоқа тармоғи ходимларини ким тартибга соларкин, билмадим?

Рустам ТОШХОНОВ,
Андижон вилояти,
Асака шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!



«Узбекистон овози»нинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



Тадбиркорлик — замон талаби

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Яқинда қўқонлик қадрдоним Охунжон ака Усмонов қўнғироқ қилиб қолди. — Эрталаб Содиржон олдингизга бормоқчи. Бир масалада ёрдам берсангиз...

Охунжон ака Қўқон гуруҳ туманлараро уруғчилик инспекцияси бошиғи бўлиб ишлайди. Содиржон — у кишининг ўғли, инженер. Ўзмуман, Охунжон аканинг фарзандлари ўзига тортган: фарзандлари бир-биридан одобли, ҳар қайсиси бир ҳунарнинг бошини тутган. Яна шуниси ҳам борки, барча фарзандлари мактабни аъло битиришга қарамай институтларда сиртдан ўқишган. Ҳалол ишлаб, ҳам ўз соҳасида малака орттиришган. Ҳам билим олган, жамият учун имкон борича кўпроқ манфаат етказиш, деган тушунчани баландпарвоз гапларсиз англайдиган йигитлар.

Шундай қилиб Содиржон билан кўришдик.

— Костюм олишга келувдим, — деди у ийманиб.

— Қанақа костюм?

— Шу... кўчалик костюмда. Меҳмон-издомга борганда киядиган.

Ҳайрон бўлдим.

— Қўқонда костюм йўқми?

— Бор-ку, — деди Содиржон кулимсираб, — менга кўп керак.

— Қанча?

— Икки юз элликта. Ҳар хил размеридан. Аммо ранги, бичими бир хил бўлгани маъқул. — У ҳеч нимани англамаганимни пайқаб тушунтирди. — Байрам келяпти. Конституция куни. Кетидан янги йил. Шунга ҳамма ишчиларимизга бир хилда янги костюм совға қилмоқчимиз. «Юлдуз» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти бош директори Абдуваҳоб Тошпўлатов билан ҳамма барлашдик. Жамият ҳисоб рақамига пул ўтказиб, костюмларни тикдириб олиб кетишга шартнома тузилди

Фақат бир нарсани ҳалиям англаб етганимча йўқ. Бозор иқтисодиёти муносабати билан ишчиларга вақтида маош беролмаётган, бири хом ашё етишмаслиги, бири эҳтиёт қисмлар танқислиги, бошқаси яна турфа хил сабаблар билан ишлаб чиқаришни камайтириб юбораётган ташкилотлар оз эмас. Шундай пайтда корхонадаги ҳамма ишчиларни бирваракайига ясантириш... мумкинми?

Мумкин экан? Агар ҳамма иш тўғри ташкил этилса, ҳар ким ўз бурчини сидқидилдан адо этса, янги имкониятлар изланса, ҳаммасини қилиш мумкин экан! Аммо бу ўринда ҳам бир қадар нозик ҳолат бор. Бир замонлар «план ҳазрат олийлари» деган тушунча барчасидан устивор эди. Латифанамо гап билан айтганда планни ўнг ёнинг билан ётсанг ҳам бажарардинг, чап ёнинг билан ётсанг ҳам... Аслида бу тушунчанинг ёмон жойи йўқ. Бироқ «ўзбек иши» деган қатағоннинг бошланишига айнан шу сабаб бўлди. Планни мажбуран бажариш шарти қўшиб ёзишларга олиб келди. Аммо ёмоннинг кучи япалоққа етибди, деганларидек, «Марказ» Ўзбекистон ёқасига ёпишди. Ҳар ўн йилда калла олиш хумор қилиб бизнинг юртимиздан ўн мингларча бегуноҳлар қатағон қилинди.

Худога шукр, юртимиз мустақилликка етди. Йўқ жойдан бор қилишнинг ҳеч кимга кераги йўқлигини тушуниш учун унчаям катта ақл шарт эмас. Қолаверса бугун сиздан маҳсулот олаётган одам планмланингизга қарамайди, нимани таклиф қилаётганингизга эътибор беради. Қўқон қурилиш маҳсулотлари жамоа корхонаси техника назорати бўлими устаси Содиржон Усмонов бу ҳақда батафсил тушунтиргани бежиз эмас. Муроджон Абдураҳимов, Муяссархон Ашурова, Роза Маҳмудова каби назоратчилар темир-бетон конструкцияларидаги ҳар бир мисқол металл, цемент, қум аралашмасигача синчковлик билан кузатадилар. Бу ҳам замон талаби. Бугун сендан бир харидор юз ўгирса, эртага юзтаси бурилиб кетади. Бугун битта мухлис топсанг, эртага юзта бўлиши мумкин. Муҳими, ҳалол ишлаш.

Корхона директори Ҳамзахон Ёқубжонов, бош инженер Фарҳоджон Худойбердиев, қолаверса, жамоаси унча катта бўлмаган бу корхонанинг самимий кўмагидан миннатдор бўлиб гапирган талай одамлар билан гаплашгач ушбу ташкилотга ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

Корхона республикамиздаги кўплаб қурилиш ташкилотлари учун темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаради. Шу йилнинг ўзида 26 минг кубометр ҳажмда шундай маҳсулотлар тайёрланди. Ҳозир мамлакатимиздаги энг йирик қурилишлардан бири — Қўқон тўқимачилик комбинати қурилишига темир-бетон конструкциялари етказиб беряпти.

Албатта, ҳамма ерда бўлганидек, бу ташкилотнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Металлни Бекободдан келтириш керак бўлса, неча миллион сўмни ташкил этади.

— Табиийки, биз корхонани янада кенгайтириш, технологияни юксалтиришни ўйлаймиз, — дейди Ҳамзахон Ёқубжонов. — Қурилиш ташкилотларидан буюртмалар ой сайин кўпайиб боряпти. Бундан ташқари, корхонамиз ўз номи билан жамоа корхонаси. Биз меҳнатимиз эвазига топилган фойданинг катта қисмини ишчиларимиз фаровонлигини юксалтиришга сарфлаймиз. Одам меҳнатига яраша ҳурмат кўрса, ўз касбига меҳри ошади.

Корхонада масаланинг бу томони пухта ўйланган. Икки минг сўмдан кам маош оладиган ишчи йўқ. Бундан ташқари, 250 нафар ишчи-пайвандчилар, бетон қуювчилар, дурадгор ва ҳайдовчилар ҳар куни бепул тушлик билан таъминланган. Ошхона ҳам пала-партиш эмас, ресторан типида қурилган. Ишчи-ҳизматчиларга корхонанинг ўз автобуси хизмат қилади. Йилнинг ҳар чорак якунида барча меҳнаткашларга пул мукофотидан ташқари бир қопдан ун берилади. Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллик байрамида ҳамма ишчиларга кўйлак совға қилинди. 54 нафар ишчи чарм куртка билан мукофотланди. Йил охиригача ҳамма ходимларга куртка ҳадя қилинди. (Ҳар бир курткaнинг нархи — салкам 3 минг сўм).

Касаба уюшмаси раиси Саломатхон Мингбоеванинг фикрлари ҳам жўяли. Ҳар ҳандай ташкилотда маълум маънода кам таъминланган оилалар бўлиши мумкин. Ҳозир корхона ҳисобидан шундай оилалардан иккитасига ҳар бири учун икки хонали уй қуриб берилди. Йил охиригача яна бир оила янги уйга кўчиб киради. Бу юмушни бажариш учун уста Саидбурхон Саидхўжаев бошчилигида махсус қурилиш бригадаси ташкил қилинган. Ҳозир ҳар ойда ўн кишининг уйига қурилажак бинонинг ускуналари олиб бориляпти. 1997 йилда корхонанинг ҳамма ходимларини янги уй билан таъминлаш режалаштирилган. Келгуси йил баҳорида 250 минг ходимнинг ҳар бири учун бир бошдан сигир олиб бериш мўлжалланган.

Директор тўғри таъкидлаганидек, меҳнатига яраша меҳр кўрган одам янада ихлос билан ишлайди. Корхонанинг ўн икки цехида касбига лоқайд қарайдиган одам йўқ. Пайвандчи Раҳимжон Эргашев, ишлаб чиқариш майдони бошлиғи Бахтиёржон Ашуров, бетон қуювчи Ғуломжон Ғаниев, ҳайдовчилар Абдужалил Абдураҳимов, Ботирали Пайғамбарқулов ва бошқаларнинг фидойилиги бежиз эмас.

Яна бир гап. Сўнгги йилларда бизда бир одат пайдо бўлган. Қайси ташкилот ўзига тўқ бўлса, мачит қуради. Бу — яхши гап. Аммо мачит билан бирга бирон поликлиниками, болалар боғчасими, қурилишига ҳам кўмак берган одам савобдан бенасиб қолмаслигини ҳаммаям ўйлайвермайди. Қурилиш материаллари жамоа хўжалиги бу масалада ҳам, назаримда, жуда тўғри йўл танлаган. Корхона Мўйи муборак қабристонини ободонлаштиришга ҳисса қўшмоқда. Муқаддас байрам кунларида ходимларнинг қадамжоларни зиёрат қилишини ташкил этяпти. Шу билан бирга ён-атрофдаги ёрдамга муҳтож оилаларни ҳам унутаётгани йўқ. Уларга мунтазам моддий ёрдам бериб келинади. «Соҳибкор» жамоа хўжалигида жойлашган юз ўринли касалхона чойшаб, кўрпа, авра, ёстиқ авра ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Мустақиллик кунида барча беморларга байрам уюштирилди. Ҳолбуки, шифохона жамоа корхонасига қарашли эмас. Шифокорларнинг бундан миннатдор бўлиб айтган сўзларини эшитганимда Ҳадиси шарифда ўқиганим — бир далил ёдимга тушди. Бемор ҳолидан хабар олмоқ учун қўйилган ҳар бир қадам Жаннат сари босилган одимдур!

Қадрли Президентимизнинг савоб ишни ҳар ким қилиши керак ва савоб ишни ҳар куни қилиш керак, деган шиори нақадар муҳимлигини айнан шу ташкилот — Қўқон қурилиш материаллари жамоа корхонаси мисолида аниқ кўриш мумкин. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳам, ўз меҳнаткашларини ҳар томонлама рағбатлантиришни ҳам, хайрли юмушларни ҳам баравар уддалаётганларнинг иши янада равнақ топиши муқаррар.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Кулолчилик

МУКОФОТГА МИНГ ДОЛЛАР

Тошкентда халқ усталари ва ҳунармандларининг ярмаркаси бўлиб, унда мамлакатимизнинг кўплаб усталари иштирок этишганди. Кўргазмада ўзи ижод қилган кулолчилик маҳсулотлари билан қатнашган деновлик кулол Муҳаммадрасул Зуҳуров Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонаси мукофоти — 1000 АҚШ доллари билан мукофотланди.

Яқинда кулол М. Зуҳуров ижодхонасига унинг ишлари билан танишиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликнинг рафиқаси Картель Малик хоним ташриф буюрди. К. Малик хоним кулолнинг иш жараёни, унинг қўлида сайқал топаётган сопол идишлар, турли ўйинчоқлар билан танишди. Танишув жараёнида Картель Малик хоним кулол буюмларига ўз мамлакатида ҳам қизиқиш катта эканлигини таъкидлади ва шартномалар тузди. Вилоятнинг диққатга сазовор жойлари, обида ва мадрасалар билан танишди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳисобот - сайловлар

АЛОҲИДА ЎРНИ БОР

«Қаршиқурилиш» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси бошланғич ташкилоти ЎзХДП Қашқадарё вилоят ташкилоти тизимида алоҳида ўрин тутади. 1200 га яқин аъзони бирлаштирган мазкур бошланғич ташкилот таркибида 67 та цех партия ташкилоти мавжуд. Муҳим мавсум олдидан барча котиблар билан маслаҳатлашиб олинди.

Ҳозирга қадар 15 га яқин цех партия ташкилотида ҳисобот - сайлов йиғилишлари ўтказилди. Деярли ҳаммасида сайланма органлар ишлари ижобий баҳоланди. Кўпчилик етакчилар ўзлари қайта сайланди.

—Бу ҳол ёмон эмас, — дейди мазкур бошланғич партия ташкилоти котиби Собир Боймиров. — Иш яхши баҳоланса, муайян ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган фаол кишиларни алмаштиришга ҳожат йўқ. Цех партия ташкилотлари котиблари илғор ишчилар, тажрибали мутахассислардир.

Довуд МАДИЕВ.

***

Мамлакат иқтисодиётида ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида пойтахтдаги йирик корхоналарнинг ўрни алоҳида. «Тошкент тўқимачилик» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг муҳандислик-техник ходимлари, қадоқ қўлли ишчилари буни яхши ҳис этдилар. Мустақиллик шарофати билан ўзимизда етиштирилган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этилган тўқимачилар ҳозирги босқичда масъулият туйғусини чуқур сезмоқлари зарур. Корхона партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида шу ҳақда сўз юритилди.

Айни пайтда ХДП аъзоларининг жанговарлиги маълум маънода пасайганлиги, меҳнат кишисига ғамхўрлик борасида қатор тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди.

Муҳаббат Матниёзова яна партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида УзХДП Яккасарой туман кенгаши биринчи котиби А. Абдулаев иштирок этди.

Аброр ҲАМРОҚУЛОВ.



Билим ўрганиш мусаффо чашмадан баҳра олишга ўхшайди. Ўқувчининг зеҳн қулфини очабилиш ҳам бир санъат. Юнусобод туманидаги 105-ўрта мактабнинг моҳир педагоги Мавлуда Турдиева мураббийлик қилаётган 3-«в» синф хонасидаги деворий суратлар ўша мусаффо чашмаларни эслатади. «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат», «Тўрт фасл», «Алишер Навоий — донолар доноси», «Кўча ҳаракати қоидалари» манзарали суратлар улкан китоб саҳифаларини эслатади. Педагог ташаббуси билан ота-оналар кўмагида янги парта ва стуллар ишланди. Болалар пойтахтнинг Мустақиллик майдони, Амир Темур ҳайкали хиёбони каби қадамжоларни зиёрат этишди.

СУРАТДА: 105-мактабнинг 3-«в» синфида машғулот пайти.

Рустам ШАРИПОВ сурати.

Мулоҳаза

30 ҚЎЙ ЖУНИГА БИР КАЛИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида чорвадорлар ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаб боришлари лозим. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бунга панжа орасидан қарамасликлари, аслида уларнинг манфаатидан манфаат кўришлари лозим. Аслида-чи?.. Фактларга мурожаат этсак: бозор иқтисодиётига илк қадам қўйганга қадар бир килограмм гўшт беш сўм, майиз ва нўхат беш сўмдан бўлган вақтда бир килограмм жун ҳам беш сўмга сотилар эди. Ҳозир гўшт ва майиз қирқ-эллик сўм, нўхат 25-30 сўм бўлган бир чоғда хўжаликлар Тошкентдаги Келес жунни қайта ишлаш корхонасига бир килограмм жунни аранг еттисаккиз сўмдан топшириб келмоқда. Аслида ҳар килограмм жунни етиштириш учун 16-20 сўм сарфлаймиз. Ўттиз қўйнинг 30 килограмм жуни етти сўмдан 210 сўм бўлса, магазин ва бозорда мактаб ёшидаги болаларнинг калиши 200-220 сўмга сотилмоқда.

Демак, жуннинг харид нархини ошириш масаласини Қишлоқ хўжалик вазирлигидаги ўртоқлар бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Яллабой НУРИДДИНОВ, Пайариқ туманидаги «Халқобод» ижара хўжалиги бош зоотехниги.

Хотира

ФАРИШТАЛИ ОДАМ

Ер-замин катта-да. Охири, адоғи йўқдай. Ҳатто гоҳо ўзимизча хомчўт қилиб қўямиз: фалон соатда шунча туғилиш, фалон лаҳзада шунча... Билмаймиз. Биров келади, биров кетади. Биров ўғил ё қиз кўрибди десалар, табриклаймиз, фалончи қазо қилибди деб эшитсак ҳамдардлик билдирамиз. Тириклик ёзмиши шу. Бўлмаса олис Чироқчидан келган хабарга ишонмай ўтирармидим.

Қаердадир ўқидим-а: «Одам ерда туғилади ва ерга айланади...» Машҳур кишилардан бирининг гапи бу. Тавба дейсан. Ишонгинг келмайди.

Ахир бундан тўрт йилгина аввал эшитувдим. Доврўғли чавандозлардан бири айтганди: «Коммуналик Тўрахўжа ака даврида бир тўйга бордим. Зўр кўпкари бўлди, денг. Оқшомда тўпланиб гурунглашдик. Ярим тунгача бир уй одам Тўра раисни мақтади. Йўлимизни берган экан. Эртаси куни раисни кўриб қолдим. Роса гаплашдик. Шунча йил яшаб, ҳаётимда биринчи марта одам меҳрига тўймадим. Ё менга шундай туюлдими кўзимга фариштали бўлиб кўриндида». Кеча эса...

Тўғриси, ишонмадим. Ўша одамнинг ўғли келди. Кейин... У кетганидан сўнг юқоридаги ҳикоя эсимга тушди. Барибир кўрмаган бўлсам-да, ҳалиги чавандознинг ҳайратли гаплари ҳалиҳали юрагимда садо беради. Тўрахўжа Эшонқулов...

Ўша куни ўғли кўп истиҳола қилди. Тортинди. Кейин отаси ҳақида сўрадим. Ерга қаради. Сездим. Ичидан нимадир узилиб кетди унинг. Ҳазин овозда «уч йил бўлди...» деганида бошқа сўзини эшитмадим. Яна ўша чавандоз тоғанинг гапини эсладим. «ФАРИШТАЛИ ОДАМ».

Кейин таҳририятга иккита хат келди. Кунлик мактублардан фарқли ва ўзгачароқ эди улар. Парча келтираман:

«Пайғамбаримиз ўз Ҳадиси шарифларида «Ўтганларни яхши томонлари билан эсланглар» деганлар. Биз доим яхшиларни ўтиб кетганидан кейин таърифини келтирамиз, мақтаймиз. Шундай инсонлардан бири Тўрахўжа ака эди. У киши тирик бўлганларида бугун 60 ёшини нишонлардик. Минг афсус. Ундан бизга катта бойлик қолди. Аввало, 1968 йилдан бошлаб шу хўжаликнинг иссиқ-совуғи у кишисиз ўтмасди. Энг қувончлиси, бугун Тўра акани хотирлашга арзирли ишлари кўз ўнгимизда турибди. Ўз қўллари билан қурдирган мактаблар, йўллар, ўзлаштирган янги ерлари ва Тўра аканинг меҳнати ва умри сингган «Коммуна» жамоаширкат хўжалиги раиси Н. Умаров, иккинчисига эса Чироқчи тумани халқ таълими бўлими мудири М. Турсунов имзо чеккан.

Изоҳга ҳожат йўқ. Эл-улус одам қадрини сизу-биздан кўра яхшироқ билади ва шунга яраша ўз баҳосини айтади. Шу маънода 80-йилларнинг ўрталарида халқимиз, шу жумладан Тўрахўжа Эшонқуловнинг ҳам бошига «пахта иши» деган таъна дашномлар тушганида чироқчиликларнинг аксарияти бундай туҳматларга ишонмади. Лекин ўша йиллари ҳўлу-қуруқ баробар ёнди. Охир-оқибат не бўлди? Ҳақ қарор топди. Лекин қанчалаб синиқ кўнгиллар ўнгланмади. Жисмоний ва руҳий азоблар кейинроқ ўз кучини кўрсатди. Тўрахўжа аканинг ҳам юраги бардош беролмади...

Майли, не бўлса-да, инсондан яхшилик қолсин экан. Тўрахўжа акани бугун хотирласа кўнгиллар ёришадиган савобли ишларининг қай бирини санайлик.



Аслида яхшилик эл-юртнинг юрагида яшайди. Бугун раҳматлик Тўра раиснинг чироғи ёниқ. Олти ўғил, тўрт қиз отасининг руҳини шод этяпти. Халқнинг увол-савобига шерик, ҳамнафас. Аёли Розия опа эса аввало шу юртга, қолаверса, ўз дилбандларига Яратгандан дуо тилаб яшаётир.

Барибир ўйлаб қоласан-да. Яхшиликнинг умри узун бўлади, деганлари шумикан ё? Бугун Чироқчининг катта-кичик давраларида Тўрахўжа аканинг ўрни сезиляпти. Айниқса, у кишини кўрган, билганлар «Тўра раиснинг хотирасини абадийлаштириш вақти келди» дея мулоҳазалар билдиришяпти. Дарвоқе, яхшиларнинг умри ҳар бир гўшада, ҳар бир юракда давом этаверади.

Норқобил ЖАЛИЛ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

ПРЕТОРИЯ. Франция амалга ошираётган ядро синовлари жаҳон ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда.

Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) синовлар ўтаётган ҳудуддаги давлатлардан бири сифатида қаттиқ ташвишга тушмоқда.

ЖАР ҳукумати тарқатган баёнотда Франция ҳукуматининг мазкур ҳаракатлари қораланиб, у инсоният учун ғоят хавфли деб баҳоланади.

60 ФОИЗ ОВОЗ БИЛАН

РАБОТ. Жазоир конституциявий кенгаши Ламин Зеруални мамлакат Президенти деб расман эълон қилди.

Ламин Зеруал мамлакат Президентилиги учун бўлиб ўтган сайловда етти миллиондан кўпроқ овоз олди. Бу— сайловчилар умумий сонининг 60 фоизидир.

ЗИДДИЯТЛИ ХАБАР

КОБУЛ. Афғонистондаги вазият ўта мураккаблигича қолмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари бу мамлакатдаги можаролар тўғрисида тарқатаётган хабарлар ҳам ғоят зиддиятли.

Пайшанба куни Кобул радиоси Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний қўшинлари мамлакат пойтахти яқинидаги жангда муҳолифатдаги «Толибон» ислом ҳаракати қуролли гуруҳларидан 125 нафари ҳамда уларнинг қатор танк ва ўқ-дори ортилган юк автомашиналарини йўқ қилгани ҳақида хабар берган эди. Лекин «Толибон» расмий вакилининг баёнотномасида мазкур тўқнашувда уларнинг кам талафот бергани ва душманнинг катта ҳарбий кучи синдирилиб, ҳукумат қўшинларидан 60 нафар аскар ҳибсга олингани таъкидланади.

БЕҲУДАГА ВАҲИМА ҚИЛИШДИ

МОСКВА. Пайшанба куни оқшомда Москванинг Измайлово хиёбонида радиоактив моддалардан иборат контейнер тургани аниқланган эди. Шундан сўнг бу хабар ҳамма ёқда шов-шув бўлиб, москваликларни ваҳимага солиб қўйди.

Россия Федерацияси ички ишлар вазири, армия генерали Анатолий Куликовнинг таъкидлашича, мазкур контейнер атроф-муҳитга ҳам, одамларга ҳам ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган.

ҚУДРАТЛИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

ПРАГА. Чехия ва Литва марказий ва шарқий Европа давлатларининг қудратли савдо-иқтисодий иттифоқини яратишга интилмоқда. Бу иттифоқ ҳозирча Чехия, Польша, Словакия ва Венгрияни бирлаштириб турган эркин савдо ҳақидаги Марказий Европа битими ташкилоти ўрнида ташкил топади. Келажакда иттифоққа Словения, кейинроқ эса Болтиқ давлатлари аъзо бўлиши режалаштирилмоқда. Чехия бош вазири Вацлав Клаус ва Литва Бош вазири Адольфас Шлежявичюс ўзаро музокаралар чоғида ана шундай қарорга келган.

АВСТРИЯГА ТАШРИФ

ВЕНА. АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри Австрияга расмий ташриф буюрди. У бу ерда Австрия федерал Президенти Томас Клестил, канцлер Франц Враницский, мамлакатнинг ҳарбий ва дипломатия муассасалари раҳбарлари билан Европа қитъасида хавфсизликни таъминлаш борасида музокаралар олиб боради. Мулоқотлар чоғида Австриянг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурини амалга оширишда иштироки, шунингдек, Австрия ҳарбийларининг Боснияда тинчликни таъминлаш халқаро кучлари таркибида қатнашиш истиқболлари мавзуси асосий ўрин эгаллаши қутилмоқда.

РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БЕЛГРАД. БМТ Хавфсизлик Кенгаши собиқ Югославияга нисбатан 1022 рақамли резолюция қабул қилди. Ушбу ҳужжатга биноан Югославияга нисбатан халқаро жазо чоралари бекор қилинади. Сиёсий доиралар вакиллари ушбу ҳолни Дейтонда қабул қилинган шартноманинг илк натижаси, деб баҳоламоқда.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

МЕХИКО. Гватемалада юз берган йирик автомобиль ҳалокатида 11 киши ҳалок бўлди, 20 киши оғир жароҳатланди. Фалокат мамлакат пойтахтидан 95 километр узоқликда жойлашган Эскуинтла департаменти тоғ йўлида содир бўлган. Полициянинг хабар беришича, шаҳарлараро йўловчилар ташувчи автобус ҳозиргача ноаён сабабларга кўра бошқарувни йўқотиб, 100 метрли жарга қулаб тушган. Енгил жароҳат олган ҳайдовчи эса воқеа содир бўлган жойдан қочиб кетган.

МАХФИЙ ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

ЛОНДОН. Стефен Лэндр Британиянинг МИ-5 махфий хизматининг янги раҳбари этиб тайинланди. МИ-5 фаолиятининг асосий йўналиши контрразведка ҳисобланади. У сўнгги вақтларда Буюк Британияда террорчиликка қарши фаол ҳаракат олиб борди ва Ирландия республикачилар армияси, Ольстернинг бошқа террорчилик гуруҳларига қарши муваффақиятли тадбирлар ўтказишда катта ҳисса қўшди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).



СУРАТДА: Германиядаги Эйбеншток дарёсига ўрнатилган тўғон.

Маънавият кўзгуси

Бегали ҚОСИМОВ

МАЪРИФАТЧИЛИК — ФИДОЙИЛИК

Илмнинг рўтбаси ислом оламида ғоят баланд келган. Қуръони Каримда «илм» сўзи етти юз эллик тўрт марта тилга олинган дейдилар. «Олим бўлсанг — олам сеники», дейди халқимиз. Тўғри, ҳамма нарсани замон белгилаган. «Билдим — тутилдим, билмадим — қутилдим»ни ҳам халқ айтган. Лекин илм — илм-да. Бу дунёда орттириладиган бойликнинг энг садоқатлиси, энг ишончлиси илм. Авлодларга қоладиган мероснинг энг самаралиси ижод. Тошкентлик Мирмуҳсин бу ақидага, эҳтимол, Бекларбеги мадрасасига қатнаб юрган ўн беш-ўн олти ёшларида келган бўлса ажабмас. Унинг ёшлиги Эски Жўвада, бозорнинг шундайгина биқинида жойлашган, бир томони Бекларбеги мадрасасига, бир томони Жанггобга туташиб кетадиган Махсидўзлик маҳалласида кечди. Унинг акаси Мирмулла (1886-1923) адабиёт кишиси эди. Маҳаллий матбуотда босилган шеър ва ҳикоялари бор. Мутахассислар уни биринчи ўзбек профессионал театр танқидчиси сифатида биладилар. Дастлабки ўзбек драмаларига илк тақризларни шу киши ёзган. Марҳум Лазиз Азиззода унинг француз адабиётини аслида ўқий олганини кўп гапирарди. Қирқ ёшида қатағон қилинган укаси Мирмуслим (1889-1939 йиллар) партия ва давлат арбоби бўлиб танилган. Синглиси Муборак ўз тақдирини машҳур шоир, сўнгроқ қатағон қурбони Элбек (1893-1939 йиллар) билан боғлаган, ўзи ҳам бадиий истеъдоддан бебаҳра қолмаган адабиётнинг жўшқин муҳибаси эди. Чамаси, оила анча ночор яшаган. 1916 йилда Мирмуҳсин Уфага Олия мадрасасига ўқишга кетганида, Мирмулланинг саховатлик юртдошларига ёрдам сўраб, мурожаат қилгани маълум. «Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 46-сонида 25 кишидан 292 сўм тўпланиб, Мирмуҳсинга юборилгани ҳақида хабар босилган.

Мирмуҳсин адабиётга 1913 йилда шеър билан кириб келган эди. «Туркистон вилоятининг газети»ни шу йиллардаги тахламини варақласангиз «Тошкандлик Мирмуҳсин», «Муҳсиний», «Муҳсин», «Фикрий» имзолари билан чоп этилган ўнлаб шеър ва мақолаларга кўзингиз тушади. 1914 й. 75-сонида эса муҳарририят шундай хабар қилади: **«Газитни ушбу нўмеридан бошлаб, тошкандлик ёш котиб Мирмуҳсин Шермуҳамедов қалами ила ёзилган «Бефарзанд Очилдибой» унвони била қизиқ, ибратлик рўмон босила бошланади».** Муаллифнинг ўз асарига муқаддима вазифасини бажарувчи «Эътизор» (узр сўраш)да «бул рўмонча китобни ўз она лисонимизға енгил» битгани, «юз варақға яқин ёзилган»и, «ал-хол ҳали чаласи бор»лиги айтилади. Афсуски, асардан бор-йўғи уч сонда парча босилиб, 79-сонда узилган. Тақдири номаълум. Мирмуҳсин 1918 йилнинг бошида Уфадан Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонга ёзган очиқ хатида («Ҳуррият», 1918 й. 19 март) «Адабий парчалар» номли бир асарини олти ой муқаддам унинг «ўзим тезда босдираман» деб олиб қолганини маълум қилиб, тақдирини сўраган эди. Газетанинг худди шу сонида Тошкентдаги «Гулистон» жамияти уч пардалик «Гимназист» деган театр асарини «тездан нашр этмак шарти билан» олгани, бир йил олдин эса Абдулла Авлоний «Жувон ва жувонбоз» (уч пардали драма)ни шундай шарт билан олиб қолиб, «йўқотиб юборган»идан зорланган эди. Шулар кўзда тутилса, Мирмуҳсиннинг ўзбек жадид адабиётининг бир қадар фаол, сермаҳсул вакилларидан бўлгани англашилади.

Замондошлари унинг ҳозиржавоб, чўрткесар, заҳар тилли, қизғин руҳли бўлганини маълум қиладилар. Шунинг учун ҳам унинг ҳаёти ниҳоятда қалтис кечди. Матбуотдаги деярли ҳар бир чиқиши кескин эътирозларга сабаб бўлар эди. Масалан, 1914 йилда машҳур мударрис Саидаҳмад Васлий билан шеъриятнинг ижтимоий вазифаси ҳақида қаттиқ баҳсга киришди. Номиқ Камолнинг «Шоирларимиз замонанинг лисони (тили)дир» деган фикрини давом эттириб, шеърдаги шаклбозлик важимжимадорликка қарши чиқди. Мақолаларининг содда тили юмалоқ хат ёзувчиларни кўпайтириб юборди. Уни ҳарифлари авомликда, авомпарастликда айбладилар.

1917 йилда февраль ўзгариши муносабати билан жамиятни янгилаш, замона билан бақамти қадам ташлаш лозимлигини кўтариб чиққанида «кофир» деб эълон қилдилар. Юзига қора суркаб, Эски Жўва бозори расталарида сазойи этдилар. Бахтли тасодиф билангина омон қолди.

Мирмуҳсиннинг 1913-17 йиллардаги фаолияти, бир оғиз сўз билан айтганда, маърифатчиликдир. Илм-фан, маданият асосида юртни озод ва обод этмоқ, элни дунёнинг маърифатли миллатлари қаторига олиб чиқмоқдир. Лекин бу юксак маданият деганимиз нима? Шу пайтгача биз тилдан туширмай келган «илғор Европа маданияти»чи?

«Оврупо маданияти ёки бошқача айтганда, христиан маданияти номи билан аталадиган ҳаёт тарзи бутун инсоният учун умумий бир маданиятмидир? У барча қавмлар ва замонлар учун муштарак бир системами? Ақл, тафаккур, тушунча ва инсоний ахлоқнинг сўнгги сўзи, энг сўнгги меваси шу маданиятми?» — деган саволни 1895 йилда машҳур Исмоилбек Гаспрали қўйган эди. Ва «маданият» сўзига «инсонларнинг роҳатда, соғлик ва омонлик ичида бўлишлари усули ва яшаш тарзи» маъносини юклаб, «бир маданият соҳасида инсонлар нақадар роҳат ва омонликда яшасалар, у маданиятнинг даражаси шу қадар юксак ҳисобланади... Маданиятнинг ўлчови ҳар кимнинг ундан истифодасидир» деган ва шундан келиб чиқиб, ўз даврида замон инкор этган Юнон ва Румо маданиятлари асосига қурилган Оврупо маданиятини ҳам, уларни рад этувчи ворис — социалистларнинг қарашларини ҳам қабул қилиш мумкин эмаслигини ёзган ва уларда исломдаги «ҳаққоният» етишмаслигига диққатни қаратган эди. Кўчирмамиз чўзилиб кетса-да, Исмоилбекнинг Европа маданиятидан қандай фойдаланиш фикрини келтирмоқдан ўзимизни тия олмаймиз:

«Оврупони қўятурайлик. Овруполилар ҳар қанча ўз даъволарига ўзлари соҳиб бўлиб, маданиятларини энг устун ва энг сўнгги маданият сифатида дунёнинг ҳар кўчасига ёймоқ учун куч ишлатишга қадар борсалар-да, аслида буларнинг бош сабаби шиддат билан келаётган ҳақсизлик, очлик ва даҳшатли инқилоблардир. Бундан сўнг келажакни ўйлаганда, ҳисоб-китоб йўлини тутайлик. Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасини ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз. Мактабларини, университетларини бизлар ҳам қурамиз. Аммо ақлларимизни қанча ёритсак, юракларимизни ҳам шунча «ҳаққоният» билан тўлдирмоққа ҳаракат қиламиз. Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли-ҳушли инсонлардек «бу нимадир? Оқибати нима бўлади? Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?» дея ақл тарозисига тортиб оламиз. Оврупо маданияти мулоҳазасиз қилавериш мумкин бўлган бир нарса бўлса эди, бу маданиятга Оврупонинг ўз вориси душман бўлмас эди».

1916-17 йиллар Мирмуҳсин дунёқарашининг чинакам миллийлашувида муҳим йиллар бўлди. «Олия» таҳсили, давр воқеалари беиз кетмади. Мақолаларида маърифат тарғиби таҳлил билан алмашди. Сиёсий воқеалар, миллатнинг қадри ва ўрни, истиқлол мавзуси кенг ўрин ола бошлади. Мирмуҳсиннинг 1917 йилдаги кайфият ва интилишларини аниқлашда «Тарихий даврлар» мақоласи муҳим аҳамиятга эга. Мақолада Туркистон фарзанди бўлган турк боласининг истиқлол ҳақидаги дардли ўйлари берилган. Тун. Турк боласи изтиробли хаёлларга ғарқ... Ётади, уйқуси келмайди. Кўчага чиқади. Кўча кезиб, янги шаҳардаги марказий хиёбонга — Кауфманскаяга келиб қолади. Кўзига Туркистоннинг кулини кўкка совурган генерал фон Кауфманнинг ҳайкали урилади. Виқор билан турибди. Бу ҳайкал 1913 йилнинг 4 майида ўрнатилган эди. Ўшанда Туркистон истилосининг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кетарди...

Турк боласи ғазаб билан бошқа ёққа бурилади. Кўп юрмай, яна Кауфманга дуч келади. Биринчи «ярим пошшо»нинг безатилган соғонаси. Ислом ва туркликнинг муқаддас белгиси бўлмиш ой ва юлдуз салиб (хоч) остида турибди. Турк боласининг кўзи тинади, боши айланади, шарт бурилиб шаҳар боқчасига киради. Яна шу манзара. **«Худоё, ёзмишимиз шуми эди?! — дод солади турк боласи, ° Туркистон кимларники эди?! Турк ўрдусин бош қўмондони Атилла қани?! Хулоку қани?! Темур қани?! Нега аларнинг ҳайкали йўқ?! Нега аларнинг туғи кўринмий?! Темур еринда Черняев?! Ой ва юлдуз ўрнинда қоракуш?! Буларга ким сабаб?! Муҳитми?! Табиатми?! Сотлиқ (сотилган) хонларми? Чўқунғон мирзоларми?...»**

Хаёлан эллик йиллик юбилей тантаналарига қайтади. Улар буни ҳали ҳам кўнгилларидагидек ўтказа олмадилар. Уруш халақит берди. Урушдан кейинга қолди. Бироқ турк боласининг дуоси қабул этилди. Боболар руҳи мадад берди. 300 йиллик оғир бир тож, қаттиқ истибдод бошдан кўтарилди.

«Ирғит, таҳоратсиз, имонсиз Кауфман ва Черняевлар ҳайкалин! Отиб ташла қаро қушларни! Темур баҳодир ҳайкалин!» — ҳайқиради муаллиф.

Бу миллатнинг уйғониш даврига доир хусусиятлардан эди. Ҳар бир миллат бундай босқични босиб ўтиши табиий эди. Чингиз, Боту, Хулокуларнинг туркка нисбат берилишига келсак, бу ҳам илмда мавжуд бўлган «Олтой назарияси»га мос тушар эди.

1918-19 йиллар Мирмуҳсин учун оғир кечди. 1918 йилнинг охирларида у Уфадан Шарқий фронтга кўнгилли бўлиб урушга кетди. Қатор ҳарбий газеталарда редакторлик қилди. 1920 йилнинг бошида Туркистонга қайтиб, 1 февралдан «Иштирокиюн» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)ни бошқарди. Сўнг унинг ўрнига чиққан «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталарига муҳаррирлик қилди.

Афсуски, умид гули жуда кеч «туғди», «кучли ел» оз эмас, кўп эмас етмиш йилдан кейин, 1991 йилда ойдинликнинг йўлини очди. Мирмуҳсин эса «ё ўлиш, ё қолиш» шиори социализм фойдасига ҳал бўлган 1929 йилда бахтсиз тасодиф билан 34 ёшида фожиали ҳалок бўлди.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ МУҲТАРАМ ФУҚАРОЛАР!

1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб фойдаланиладиган электр қуввати учун ўртача ойлик истеъмол даражасига қараб белгиланадиган, олдиндан тўланадиган ярим йиллик ва йиллик тўловлар жорий этилди. Йил охирига бориб, электр ҳисоблагич кўрсатгичига кўра, тугал ҳисоб-китоб ўтказилади. Электр қуввати учун олдиндан ҳақ тўлаш бебаҳо вақтни тежаш ҳамда электр билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

"ЎЗКИМЁСАНОАТ" ассоциацияси

"КИМЁ" савдо уйи

Жамоа ва фермер хўжаликлари, савдо ташкилотлари ҳамда муассасаларга
- азот-фосфор ўғитлари,
- кир ювиш ва тозалаш воситалари,
- парфюмерия, косметика маҳсулотлари,
- пластмасса буюмлари,
- лак-бўёқлар,
- резина-техника маҳсулотлари,
- халқ истеъмол моллари

ва бошқа ҳар хил кимё маҳсулотларини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси 42.

Тел: 33-82-21.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан Польшанинг "Коинот" шоколадли тортларини, Бельгия, Италия "ROYAL" спиртини, Италиянинг "Ponti" ароқлари СОТУВИНИ БОШЛАДИ.

Италия, Греция, Бельгия, Германияда ишлаб чиқарилган кенг турдаги озиқ-овқат, шампань виноси, ароқ, ликёр, вино ҳамда қандолат маҳсулотларининг САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Омборда нархи туширилган ксерокс, факс, компьютер ва калькуляторлар мавжуд.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 1. Маълумотлар учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!



"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қон-томир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Гафур Гулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлиқ, туман бойлик тилаймиз!



"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ туркумидаги автомобилларни,
МТЗ экскаваторлари ва тракторларини,
автомобиллар ва тракторлар учун
бошланғич бутликдаги: Д-243,
Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини ва
уларнинг ёнилғи қурилмаларини
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.
Алоқа учун телефонлар: (3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

CUKURS-BIZNESS ЦУКУРС-БИЗНЕС ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.
1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бунинг учун фақат қўнғироғингиз кифоя!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар: (3712), 34-00-98, 34-05-07.

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН КЕНГ МИҚЁСДА КАНЦЕЛЯРИЯ МОЛЛАРИ ВА ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ

Кўп қовиргали электр иситгичлар, электр патрон, розетка, электр заряд мосламалар, электр вулканизаторлар, сочиқ учун илгичлар, электр қуритгичлар, ток узайтириш узатгичлари, телефонлар, банклар учун датерлар, принтерлар учун ленталар, иш столлари учун ҳар хил йигилмалар. С-599, 529, ТС 800, С 703, Р 915 ва бошқа турдаги моллар.

Телефон: (3712) 78-97-41.

Қарши шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Бандлик» корхонаси томонидан 1995 йил 2 ноябрь куни № 5—002256 рақамли 100.000 сўмлик оддий вексель йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Оддий вексель «Зафар» агросаноат фирмаси томонидан 1995 йил 23 август куни ишлаб чиқарилган, векселнинг тугаш муддати 1996 йил март ойигача.

Корхона ҳисоб рақами: 609901, «Ғалла банк». Қарши шаҳри, МФО 171001903. Телефонлар: 8-37-52-23-11-27, 4-56-97.

ФАН ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Буюк келажак йўлида

Тошкентда механо-кимё муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Фаннинг нисбатан еш бўлган бу соҳаси иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида ўз аҳамиятини намоён этяпти. Шу боисдан ҳам асосан Узбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси ташаббуси билан уюштирилган мазкур анжуманда иштирок этган Марказий Осиё республикалари, Ҳамдўстлик давлатлари, шунингдек қатор хорижий мамлакатлар олимлари фаннинг бу йўналишига келажаги порлоқ соҳа деб баҳо беришди.

— Фан чегара ва миллат билмайди, — деди илмий анжуман қатнашчиларини қутлаб Ўзбекистон Республикаси олий ва урта махсус таълим вазири уринбосари Қаҳрамон Аллаев. — Зеро, ҳамсоҳа, ҳамкасб фан фидойилари ҳеч қандай чегарага қарамай қайси миллат вакили эканидан қатъи назар фанда ўз яқдилини топиша олади.

Ҳақиқатан ҳам анжуманда халқаро симпозиум ташкилий қумита ҳамраиси, профессор, россиялик олим Павел Бутягин қилган дастлабки маърузадан кейинок залда бошланган очиқ-ойдин савол-жавоблар фан фидойиларининг машваратига айланиб кетди.

Илмий йигинда механо-кимё соҳасидаги энг янги илмий изланишлар якунлари, минерал хом ашёларни бойитиш, композицион материаллардан кенг фойдаланиш мавзуларига бағишланган маърузалар булди.

— Бугунги иқтисодиетимиз тараққиёти учун зарур булган мазкур йигинни ўтказишдан мақсад, — дейди ташкилий қумита раиси, академик Сойбжон Неъматов, — аввало шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган ҳамкасблар билан фикр алмашиш, қолаверса, жаҳонда шу йўналиш буйича олиб борилаётган янгиликларни урганиб, уларни узимизда, уз хом ашёмиз ҳисобига татбиқ этишдан иборат.

Анжуманнинг дастлабки кунларидан сўнг олимлар механокиме соҳасининг маълум йўналишлари буйича булимларга булиниб ўз муаммоларини ҳал этишди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Саломатлик сандиғи

ДАРДГА МАЛҲАМ БЎЛУВЧИ ҲАКИМ

Бундан беш йил илгари республикамиз шифокорларининг орзу-истаклари рўёбга чиққан, «Сиҳат-саломатлик» тиббиёт журнали нашр қилина бошланганди.

Журналнинг дастлабки сонларидаёқ халқ оммасининг тиббий маданиятини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқ саломатлигини тиклаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор берилди.

Айни пайтда мустақиллигимиз шарофати билан ҳукуматимизнинг халқ саломатлиги йўлида қилаётган ғамхўрлиги, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар жараёнида тиббиётимизга зарур бўлган техника воситалари, дори-дармон ва бошқа ашёларни сотиб олишга катта миқдорда маблағ сарфланаётганлигини, тиббиёт ходимларининг хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқалари ривожланишига кенг йўл очилганлигини, бу алоқаларнинг мустақил давлатимиз фуқаролар соғлиғини яхшилашга хизмат қилаётганлигини Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида кенг ёритишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга унутилаёзган халқ табобати хазинасидан, юртимизнинг бебаҳо неъмати — шифобахш ўсимликлар ва гиёҳлар дунёсидан муштарийларни хабардор қилиш, Ибн Сино, Ар-Розий, Юсуфий ва бошқа тиб алломаларининг меросидан халқни баҳраманд этиш мақсадида алоҳида рукнлар очиб, кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Замонавий тиббиётнинг кўп учрайдиган — асаб, юрак, буйрак ва ички хасталикларни даволаш, аср хасталиги деб ном олган юрак ва мия қон томир касалликлари, саратон, СПИД, вабо ҳамда бошқа хавфли юқумли касалликларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ибратли ишларни ва тажрибаларни ёритишга кенг ўрин берилди. Профилактика, инсон маънавияти, ахлоқ-одоб ва тарбия мавзуларини журнал саҳифаларида мунтазам ёритишга интиляпмиз. Айниқса, ёш авлоднинг соғлом, баркамол вояга етишида ёмон иллатларнинг салбий таъсир қилиши масалаларига муражаат этиб, республикамиздаги таниқли олимлар, мутахассислар, дин арбоблари ва бошқа касб эгаларига журналдан кенг минбар бердик.

Олимларимиздан ЎРФА тиббиёт бўлими раиси, академик Ёлқин Тўрақуловнинг гормонлар ҳаёт шарбати экани, академик Ўктам Ориповнинг жигар, меъда ости бези ва ўт йўллари, ЎРФА мухбир аъзоси Абдулла Убайдуллав сил касалликлари, унинг муолажаси, профессор Саиджалол Баҳромовнинг қон ва унинг инсон ҳаёти учун аҳамияти ҳақида, шунингдек бошқа олимларимиз ҳамда амалиётчи шифокорларнинг инсон саломатлиги, касалликлар профилактикаси ҳақидаги маслаҳатлари муштарийларда катта қизиқиш уйғотиб, кўплаб мактублар олдик.

«Орзу қиламанки, — деб ёзган эди журналнинг биринчи сони чиқиши муносабати билан жамоани табриклаб Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, — журналингиз оналар, гўдаклар саломатлигининг хушёр посбони бўлади. У жумҳуриятимизда кенг тарқалган болалар ўлимининг, сариқ, камқонлик, сил касалликларининг ҳақиқий сабабчиларини дадил айтувчи... ёлғиз инсоннинг эмас, умуман Ватаннинг, диёрнинг, табиатнинг, иқтисод, сиёсатнинг соғломлиги, ақл ва заковатнинг, руҳиятнинг, дунёқарашнинг, маънавиятнинг, ахлоқнинг соғломлиги учун курашувчи ҳаким бўлади».

Бугун журналнинг беш йиллик сонини варақлаб, шуни ёруғ юз билан айтишимиз мумкин. «Сиҳат-саломатлик» шоир айтганидек, юрт ва халқ ғамини ўйлайдиган, дардига шифо топадиган, қимматли маслаҳатлар бериб, оғриғига чора топувчи ҳакимга айланди. У фақат тиббиётимиз равнақи ва муаммолари, халқ соғлиғини муҳофазалаш, саломатлигини тиклаш борасида олиб борилаётган ибратли ишларнигина эмас, уларнинг ечимини ҳам вақти-вақти билан ёритишга, керак бўлганда жойлардаги дахлдор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қилди.

Журналнинг қисқа муддатда кенг оммалашиши, республикада катта тиражда чиқадиган нашрга айланиши ва халқ ҳурматига сазовор бўлиши бош муассисимиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўз нашрига бўлган диққат-эътибори, уни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаши, шунингдек унинг таъминотидан тортиб, обунаси, ходимларининг ижтимоий ҳимояланиши, ишлаш учун қулай шароит яратиб бериши ҳақидаги ғамхўрлиги натижаси десак муболаға бўлмас.

Ўтган беш йил жамоамиз учун ўзига хос изланиш, ўрганиш йиллари бўлди. Журналнинг асосий мақсади ҳар бир хонадонга кириб бориш, дардига шифо излаб юрган кишиларга маслаҳатчи, шифокор ва ҳамшираларимизга мададкор бўлишга эришишдир.

Шеърият улкан чаманзорга ўхшайди. Фақат — унинг боғбонни ёлғиз эмас. Гуллари ҳам бўлакча... Бири бирига ўхшамайдиган. Бири иккинчисини такрорламайди. Бу боғдаги энг сара гуллар эса сўлиш нималигини билмайди. Умрига умр қўшилгани сайин барқ уриб яшнаб тураверади.

Қўлимда яқиндагина Фарғонада чоп этилган жажжи тўплам — «ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ». Китоб саҳифаларини варақлар эканман, бундан йигирма йиллар илгари — уқувчилик чоғларимда мен ҳаммадан қизғаниб, яшириб уқиб юрган «ҚИЗЛАР ДАФТАРИ» шеърий тўплами эсимга тушди. 1972 йилда нашр этилган юпқа жилдли, ихчамгина бу китобчани ҳалиям асрайман. Ўша «Қизлар дафтари»да НИЛУФАР, Мукаррама МУРОДОВА, Турсуной СОДИҚОВА, Ҳалима ҚОРАБОЕВА каби баркамол шоираларимизнинг шеърият бустонида ўстирган илк чечаклари гард қўнмай сақланганидан мамнунман.



Узбекистон ХДП Боғлод туман кенгаши ташаббуси билан «ФАЙЗ» очиқ типидаги ҳиссадорлик жамияти Боғдод мебель фабрикаси ҳомийлигида чоп этилган тўпламни ҳам қайта-қайта ўқиб, боғдодлик шоираларнинг кўнгил кечинмаларига ошно бўлдим. Тўғри, мен бу тўпламни ўзбек адабиёти хазинасига қўшилган катта улуш деб айтолмайман, лекин Боғдоддек у қадар катта бўлмаган бир туманнинг ўзида 13 нафар ҳаваскор шоираларнинг астойдил қалам тебратиб изланаётганлари ва уларга машқларини халқ билан баҳам кўриш имкониятининг берилганлиги ниҳоятда қувонарли.

«Қизлар гулдастаси» Зулфия НАЗАРОВА, Карима АШУРОВА, Лутфия УМАРОВА, Шоира МЕЛИБОЕВА, Зулфия НИШОНОВА сингари муаллифларнинг ёзилажак гўзал шеърларидан акс-садо бераётган бўлса, ажаб эмас.

Юлдуздан бир нигоҳ
тиланиб олдим,
Ойдан-да бир нигоҳ, тундан
бир нигоҳ.
Тонги насимларга эланиб
толдим,
Ҳар гал битта йиғлаб беради
сабоқ.

Туҳфа

Тилло болалигим қайга
йўқолди
Тўптошдан бўшатиб
этакларимни.
Гўдак ҳайратларим
қаёқда қолди,
Она топиб беринг
эртакларимни!

Зулфия Назарованинг бу куюнчак сатрларини уқиганингизда беихтиёр ўн йиллардан сўнг 600 нусхада чоп этилган «ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ»нинг забардаст шоираларимиз ижоди учун кўприк бўлганлиги исботланса, Фарғона XXI аср Нодираларини кашф қилса деган ширин хаёлларга борасиз Илоё, шундай бўлсин — истеъдодларнинг сафи кенгайсин, адабиётимиз ҳомийлари, шеърият ихлосмандлари кўпайсин.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

МАНБАЛАР СЎЗЛАЙДИ

Ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб ўтган миллий истиқлолчилик ҳаракати бугунгача деярли ўрганилмаган. Манбаларда ҳам бу ҳақда маълумотлар жуда оз учрайди. Бу ҳудудда Ҳайит Амин, Бозор Амин, Ўрмон Полвон, Метан Полвон, Наим Полвон, Дониёрбек, Жабборбек, Остон Қоровулбеги, Хўжа қўрбоши, Тош мурдашўй, Мурод мешкоп каби қўрбошилар Қизил Армияга қарши кураш олиб борганлар. Ғарбий Бухоро истиқлолчиларининг раҳбари мулло Абдулқаҳҳор қўрбоши эди.

Қуйида келтирилаётган маълумотлар Москва шаҳридаги ЦГАСА архивидан олинган. Унда 1923 йилда Ғарбий Бухородаги истиқлолчилар қўшинларининг жойлашув тартиби ва аскар кучлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Бухоро. Зарафшон райони. 1923 йил 1 февралгача бўлган маълумот.

Жўра Амин. Бухоронинг шимоли-ғарбида (Жондор атрофи), 120 йигит.

Остонча. Занданнинг ғарбида, 80 йигит.

Мурот мешкоб. Хўжа Заъфаронда (Вобкентдан 35 верст ғарбда), 120 йигит.

Саид Мансур. Пармидон атрофида (Хатирчидан 25 верст узоқда), 50 йигит.

Азимхўжа. Қуйимозор станцияси атрофида, 100 йигит.

Мулло Абдуқаҳҳор. Нурота атрофида, 100 йигит, 3 та пулемёт.

Метан Полвон. Нурота атрофида, 40 йигит.

Ўрмон Полвон. Нурота атрофида, 50 йигит.

Ҳаммаси бўлиб 8 нафар қўрбошида 560 йигит ва учта пулемёт бўлган. Бухоро республикасида худди шу пайтда 3.416 йигит 29 қўрбоши бошчилигида Қизил Армия босқинчиларига қарши кураш олиб борган.

(ЦГАСА, 28113-фонд, 7-рўйхат, 90-иш, 16-варақ).

Бухоро. Зарафшон райони. 1923 йил 1 апрелгача бўлган маълумот.

Жўра Амин. Қоракўл атрофида, 120 йигит.

Ҳамро Полвон. Жондор атрофида, 40 йигит.

Мурот мешкоб. Ромитаннинг шимоли-ғарбида, 120 йигит.

Саид Мансур. Ғуждувоннинг шимоли-ғарбида, 70 йигит.

Азимхўжа. Бухоронинг шимоли-ғарбида, 150 йигит.

Тош Мурдашўй. Кумушкент атрофида, 60 йигит.

Мулло Абдуқаҳҳор. Ғиждуоннинг шимоли-ғарбида, 250 йигит, 3 та пулемёт.

Ўрмон полвон. Ғиждувоннинг шимоли-ғарбида, 50 йигит.

Метан Полвон. Ғиждувоннинг шимоли-ғарбида, 40 йигит.

Биз билмаган тарих

Наим полвон. Ғиждувоннинг шимоли-ғарбида, 40 йигит.

Хушвақт ва Сирожхўжа. Нуротанинг жануби-шарқида, 120 йигит.

Ҳаммаси бўлиб 11 нафар қўрбошида 1.060 та йигит ва учта пулемёт бўлган.

(ЦГАСА, 28113-фонд, 7-рўйхат, 90-иш, 31-32-варақлар).

Бухоро. Зарафшон райони. 1923 йил 1 майгача бўлган маълумот.

Жўра Амин. Жондорнинг ғарбида, 120 йигит, 2 та пулемёт.

Ҳамро Полвон. Ромитан атрофида, 40 йигит.

Мурот мешкоб. Зандананинг шимоли-ғарбида, 140 йигит.

Саид Мансур. Оғитма атрофида, 70 йигит.

Азимхўжа. Бухоронинг шимоли-ғарбида, 100 йигит.

Тош Мурдашўй. Бухоронинг шимоли-шарқида, 150 йигит.

Мулло Абдуқаҳҳор Масчи, (Нуротадан 48 верст шимолиғарбида Наим полвон. 250 йигит.

Армон полвон, 3 та пулемёт

Хушвақт ва Сирожхўжа. Нурота атрофида, 40 йигит.

Шариф мирохўр. Мулло Қаҳҳор билан, 60 йигит.

Мулло Рустам. Хатирчининг шимоли-шарқида, 40 йигит.

Ҳаммаси бўлиб 13 нафар қўрбошида 10010 йигит ва бешта пулемёт бўлган. Бухоро республикасида эса бу пайтда 35 қўрбоши раҳбарлигида 4.865 йигит (12 та пулемёти билан) истиқлол йўлида кураш олиб борган.

(ЦГАСА, 28113 -фонд, 7-рўйхат, 90-иш, 47-варақ).

Бухоро. Зарафшон райони. 1923 йил 1 июлгача бўлган маълумот.

Жўра Амин. Мурғак станцияси жанубида, 200 йигит.

Мулло Дамрат. Зандананинг шимоли-ғарбида, 50 йигит.

Саид Мансур. Вобкент атрофида, 30 йигит.

Азимхўжа ва Тош Мурдашўй гуруҳи. Бухоронинг шимоли-ғарбида, 150 йигит.

Ислом қоравулбоши. Ғиждувон атрофида, 30 йигит.

Мулло Абдуқаҳҳор ва унинг қўл остидаги: Метан Полвон, Кўкча тоғи атрофида, 250 йигит.

Наим Полвон ва Ўрмон Полвон 3 та пулемёт.

Хушвақт ва Сирожхўжа. Нуротанинг жануби-шарқида, 200 йигит.

Мулло Рустам. Хатирчининг шимоли-шарқида, 60 йигит.

Ҳаммаси бўлиб 8 қўрбошида 970 йигит ва бешта пулемёт бўлган, Бухоро республикасида эса бу пайтда 31 қўрбоши раҳбарлигида 5.030 йигит (9 та пулемёти билан) босқинчиларга қарши кураш олиб борган.

(ЦГАСА, 28113 -фонд, 7-рўйхат, 90-иш, 60-61 варақлар).

Бухоро. Ғарбий Бухоро райони. 1923 йил 1 декабргача бўлган маълумот.

Жўра Амин. Қоракўлнинг шимоли-ғарбида, 200 йигит, 3 та пулемёт.

Азимхўжа. Жондор атрофида, 100 йигит.

Тош Мурдашўй. Бухоронинг шимоли-ғарбида, 100 йигит.

Мулло Абдуқаҳҳор. Зандани атрофида, 200 йигит, 3 та пулемёт.

Кўр ота. Вобкент атрофида, 45 йигит.

Ислом қоравулбеги. Ғиждувон атрофида, 40 йигит.

Бобоёр. Нурота атрофида, 50 йигит.

Хушвақт ва Сирожхўжа. Нурота атрофида, 8 йигит.

Ҳаммаси бўлиб 8 нафар қўрбошида 815 йигит ва олтита пулемёт бўлган. Бухоро республикасида эса бу пайтда 30 қўрбоши раҳбарлигида 3.060 йигит (8 та пулемёти билан) кураш олиб боришган.

(ЦГАСА, 28113, 7-рўйхат, 80-иш, 164-165-варақлар.

Нашрга тайёрловчи:
Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари номзоди.

«ЭСКИ ЖЎВА» МЕҲМОНЛАРИ

«Эски Жўва» юртимиздаги энг қадимий ва машҳур бозорлардан бири. Шунинг учун ҳам бу ерга узоқ-яқиндан кунига минглаб одамлар келиб кетади. Баъзан эса ниятларда уйғунлик бўлмайди. Шунданми, бозорнинг кундалик ҳаётида унда-бунда яхшига хос бўлмаган воқеалар ҳам бўлиб туради. Илло...

Соат 17.30 лар эди. Бозорнинг «Болалар дунёси» универсал дўкони биринчи қаватида жойлашган ўйинчоқлар бўлимининг ғазначиси (касса ходимаси) билан катта сотувчиси кунлик савдо тушуми маблағи бўлмиш 18 минг 900 сўмни банк инкассаторига топшириш олдидан ҳисоб-китобга тайёрлаётган пайти эди. Шу чоғ дўконга «харидор» сифатида кирган С. харидор, хизматчиларнинг сийраклигидан фойдаланиб тўсатдан ғазнага ташланади. Босқинчи давлат банкига топшириладиган махсус халтачага солинган пулни олиб қочади. Дўкондан ўқдек отилиб чиққан йигит ўзини одамлар орасига уради. Унинг орасига кириб, мақсади халойиқ кўздан ғойиб бўлиш эди. Сотувчиларнинг ёрдам беринг, ўғрини ушланглар! — деган бақириб-чақириқларини эшитган тезкор милиция ходимлари — Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг шу бозордаги жамоат тартибини сақлаш ходимлари жонжаҳди билан «ўлжа»ни қўлтиқлаб қочаётган касса ўғриси орқасидан изма-из тушишди. Пул ўғриси бозор ҳудудидан чиқиб Навоий шоҳкўчасини кесиб ўтишга келганда бу югур-югурлари поёнига етди. 18 минг 900 сўм дўконга қайтарилди, йигитча эса ички ишлар бошқармасига...

Қилмиш-қидирмиш

Яна шу «Болалар дунёси» дўкони ёнидаги майдончани баъзилар қонунсиз равишда чет эл валюталари сотиш жойига айлантиришган. У ерда навбатдаги кузатишни ўтказаётган майор Мардон Ражабов яна ҳушёрлик қилди. Уддабурон, оқил, жисмоний жиҳатдан бақувват, олий маълумотли милиция офицери яқин ёрдамчиларидан бири — Фурқат Тошматовнинг рация орқали дарҳол шу майдончага етиб келишини буюрди... Сентябрь-октябрь ойлари ўрталарида шу ерда валюта олиб-сотувчиларни диққат билан ўрганиш, кузатиш жараёнида милиция ходимларининг диққат-эътибори ёши ўттизларга етмаган корейс миллатига мансуб бир йигит тортганди. У шу ерда тез-тез бўлиб турарди. Лекин унинг ҳеч қандай олди-соттига аралашмаслик иш услуби бор. Мана, у бу сафар кимлар биландир шивирлашди, кўз қисишди ва бир неча дақиқадан сўнг, шубҳалана, ён-атрофини диққат билан кузата бошлади. Ва қочиш пайига тушди. У ўзини бозорчилар ичига урди. Аммо меҳмон бола шу ернинг ўзида ушланди.

Биринчи савол-жавоб, текширишдаёқ мазкур фуқаро А. эканлиги, асли касби алоқачи бўлса-да, халқаро миқёсда энг хавфли жиноятчи — қалбаки чет эллар пуллари, қимматли автотранспорт техникаси хўжаликлари, қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномалари, автомашиналарнинг техникавий паспортларини ўз уйида қўлбола усулида тайёрловчи устаси фаранглиги маълум бўлди. Сохта пул устасининг уйи тинтув қилинди. Гувоҳлар иштирокида унинг ёнидан қалбаки 10, 50, 100 долларлик жами 245, уйидан эса яна ана шу қийматдаги банкнотлардан 450 қалбаки доллар, шу қалбаки пуллархужжатларни тайёрлашда кенг равишда қўлланилган қуйма-ясама шрифтлар, жило бериш учун махсус ишлатилган ранг-бўёқлар, қалбаки долларларни босишда ишлатилган махсус пул қоғозлари (чет элдан келтирилган экан), пул босувчи кичкина, енгил дастгоҳ топилди. Сохта пул ясовчи ўзи содир этган жиноятга иқрор бўлди. Мана беш кунлик кайф-сафо, енгил ҳаёт, шоҳона кийимлар, уйқусиз тунлар ўтди-кетди...

Ҳаётнинг ўзи ҳам бозор. Ҳар ким ҳар хил экади, шунга қараб ўради ҳам. Қарангки, бозорда ҳам яхши ниятли, яхши оқибатлилар ва ора-сирада ёмон хаёллар миясини чулғаганлар ҳам учрайди. Начора, уларга-да ўзига яраша оқибатлар кўп.

Малик НУРИДДИНОВ.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН ЧОЛЛАР

Николай Шпаковский деган кекса (Сухуми) 115 ёшида қиз кўрган. Абхазиялик Гханбери 60 ёшида уйланиб, 100 ёшида 9 фарзанд кўрди. Абхазиялик Туркий ҳам 70 ёшида қайта уйланиб, 9 фарзандинг отаси бўлди. Инглиз Томас Парр 120 ёшида, даниялик Дракенберг эса 111 ёшида қайта уйланди. Норвегиялик Сарингтон 130 ёшида ҳам аёлига парвона бўлган.

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Табиат мўъжизакор. Баъзида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ажабтовур воқеаларнинг гувоҳи бўламиз, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Икки бошли илон, улкан аждаҳо, олти оёқли бузоқ, бир кўзли қўзичоқ ҳақида эшитганмиз. Начора, табиат гоҳида одамларга ҳам шунга ўхшаш «қалтис ҳазил» қилиб тураркан.

x x x

Ўш шаҳрида бир аёл икки бошли бола туққан. Боланинг оёқ-қўллари росмана бўлиб пешонасининг ўртасида фақат битта кўзи бор. Бармоқларининг ҳаммаси тирноқлардан иборат. Бутун бадани эса тук билан қопланган. Дарҳақиқат, баъзан гўдак қуш ёки бирор жониворга ўхшаб туғилиши мумкин. Қўёнлаб ёки бури танглайига ўхшаган туғма ногиронлик ҳам бўлади. Қулоқсиз, соқов, кар, кўр, икки хил жинсий органлар, суннати ўзи билан туғилган болалар, бадани, қоши ва киприклари оппоқ кишилар, мўйлабли қизлар ҳам учраб туради.

x x x

1926 йилда Европа газеталарида ҳаётда камдан-кам учрайдиган бир ҳодиса ҳақида хабар босилди. Прагалик бир аёл фарзанд кўрган. Боланинг юраги кўкрагидан ташқарида жойлашган экан. Юраги жуда суст урар, бадан ҳарорати эса 40 даража атрофида бўлган.


x x x

Бенгалиялик 24 ёшли Сикумас Даснинг олтита ошқозони бор экан. Шунинг учун ҳам у ҳар куни 15 килограмм нон, 2 килограмм горчица, 15 литр сут, 30 литр сув, бир челак чой, шунингдек ҳўл мева, сабзавот, ошқовоқ, банан—жами 80 килограммга яқин овқат истеъмол қиларкан.

x x x

Белградлик бир аёлнинг баданида кремний, магний ва кумуш бирикмалари аралашган «металл булаклари»униб чиқадиган бўлибди. Ажаб, узунлиги бир сантиметргача келадиган бундай яра ва оғриқли ўсмалар ер қимирлаш, сув тошқини ёки бошқа бирор хавф-хатардан тўрт кун илгари пайдо бўлар экан.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги пусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

Шатранж оламида

ФИЛ СУРИБ, ОТ ЎЙНАТИБ...

Яқинда номдор шахматчиларимиздан бири — республика экс-чемпиони, халқаро гроссмейстер Александр Ненашев Грециядан зафар билан қайтди. Олимпиадачилар ватанида ўтказилган иккита нуфузли турнирда бош совриндан эгаси бўлди. Бу билан у маҳаллий мутасаддилар ишончини яна бир бор оқлади.

***

Қозоғистон Республикаси, айниқса, кейинги йилларда шахмат мусобақалари кўп ўтадиган мамлакатлардан бирига айланиб бормоқда. Уларнинг аксариятида Ўзбекистон вакилларининг қатнашуви одат тусига кириб қолди. Яқинда бу мамлакатнинг бўлажак пойтахти Оқмола шаҳрида навбатдаги халқаро мусобақа бўлди. Эркаклар турнирида чирчиқлик гроссмейстер Сергей Загребелний иккинчи совринни олган бўлса, тошкентлик халқаро мастер Д. Қаюмов ҳам пешқадамлар сафидан жой олди. Аёллар турнирида бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, халқаро мастер Ольга Ким асли чирчиқлик халқаро мастер Флюра Ҳасанова — Усакова билан бош совринни бўлишиб олди. Яна бир вакилимиз Анжела Хегай ҳам муваффақиятли қатнашиб, халқаро мастерлик даражаси учун балл олишга муяссар бўлди.

***

Куни кеча тошкентлик спорт устаси Евгений Мухин Германия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Бу ерда у фахрийлар ўртасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашади. Машҳур гроссмейстерлар иштирокида ўтадиган бундай мусобақага биздан биринчи марта вакил юборилиши Ўзбекистон шахматининг ривожланиб бораётганидан далолатдир.

***

Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида бўлган жаҳон биринчилигида республикамиздан бир эмас, икки вакилга таклифнома келди. Шунга кўра, ўтган йили шу ёшгача бўлган ўсмирлар орасида Будапештда ўтказилган жаҳон биринчилигининг бронза медали совриндори, спорт устаси Рустам Қосимжонов билан сурхондарёлик иқтидорли шахматчи Бегали Саидов эрта-индин Бразилияга жўнаб кетадилар. Ёш вакилларимизга зафар тилаб қоламиз.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:


Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕА.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

123456.